24 ФЕВ 1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 45 (6. 834) 1989 йил 23 февраль, пайшанба Баҳоси 3 тийин

✦ СССР халқ депутатлигига номзод, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи газетаси — «Фрунзевец»нинг мухбири, майор Владимир Петрович ЗОЛОТУХИН.

Замондошимиз



✦ Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 71 йиллигига бағишланган материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Бир оила фарзандларидек

✦ Бугун Тошкентда ошкоралик ва ижтимоий ҳаётимизни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг актуал проблемаларига бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади. Конференциянинг КПСС Марказий Комитетининг шу йил ёзида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишланадиган Пленуми олдидан, шунингдек унинг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилаётганлиги жуда катта аҳамият касб этади. Чунки Тинчлик ва Қардошлик шаҳри бўлмиш она Тошкентимизда юздан зиёд миллат ва элатларга мансуб бўлган кишилар яшаб, меҳнат қилмоқдалар, КПСС XXVII съезди ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини ҳаётга жорий этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Буни биз биргина Тошкент асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективи фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда турли миллат кишилари аҳил-пайванд бўлиб меҳнат қилмоқдалар, ишлаб чиқаришда муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу галги ҳикоямиз ана шу бирлашмада ишлаётган ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, қозоқ миллатига мансуб ажойиб ҳамшаҳарларимизнинг фидокорона ишларига бағишланади.

Бугун Тошкентда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади



Ўзбек ўғли Садриддин

✦ Боқишлари жиддий, ҳаракатлари чаққон бу йигитни бирлашмадагилар жуда ҳурмат қилишади. Мана ўн уч йилдирки у шу ерда ҳалол меҳнат қилиб келяпти. Корхона коммунистлари унга катта ишонч билдиришди: термист Садриддинни ўз сафларига қабул қилишди. «Меҳнат қилган элда азиз», деганларидек Садриддин Эржоновнинг қўлга киритаётган ютуқлари, жамоат ишларида кўрсатаётган активлиги партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени-нинг кавалеридир.



Тожик фарзанди Абдулло

✦ Асли Наманган областида дунёга келган Абдулло ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаганидан сўнг Тошкентга ишга келди. Шу ердан йигитлик бурчини ўташ учун Совет Армияси сафига чақирилди. Армиядан қайтгач яна ўзининг севимли касби—электрикликни давом эттирди. Шу ерда онлари бўлди. Рафиқаси ҳам бирлашмада меҳнат қилади: Азима фрезерлик касбининг барча сир-асрорларини пухта эгаллаб олган.

— Коммунистнинг ўрни доим олдинги сафда бўлиши керак, — дейди Абдулло Ҳамроев. — Шу боисдан мен ҳам топширилган вазифаларни соз ва сифатли бажаришга ҳаракат қиламан.



Қирғиз қизи Сарбархон

✦ Майин табассум билан сизга боқиб турган Сарбархон Нишонова Ўш областидан. Бундан беш йил муқаддам Тошкентга келиб, шу ерда ўзининг ҳақиқий бахтини топди. Сарбархон бу ерда ўзбек ўғлони Абдумуродга меҳр-муҳаббат қўйди. Кейин уларнинг ширингина тўйлари бўлди. Ҳозир Феруза исмли қизлари бор. Сарбархон Нишонова ва унинг турмуш ўртоғи Абдумурод Мелиев шу бирлашманинг ишчи номини эъзозлаётган аъзолардан бири. Улар ҳақида сўз кетганда бирлашма ишчилари илиқ сўзларни айтишади. Бунга эса улар чиндан ҳам сазовор.

Туркман қизи Орзигул

✦ Нақадар чиройли ва тоғиб қўйилган исм! Унинг ота-онаси онларида янги фарзанд туғилганида Орзигул деган исмни қўйиб янглишмаган эканлар. Чунки қизлари ҳаётда нимани орзу қилган бўлса шу орзулар рўёбга чиқиб келяпти. Бирлашманинг илғор ишчиси, чархловчи Орзигул Полвонова турмуш ўртоғи Алламурод билан бир жойда фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Алламурод токарлик касбини пухта эгаллаб олган. Гарчи уларнинг Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл районидан Тошкентга кўчиб келганларига унча кўп бўлмаган бўлсада қисқа давр ичида бу эр-хотин ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан бирлашма ишчилари ўртасида обрў-эътибор қозондилар.

Қозоқ ўғлони Майноқбой

— Майноқбой Жумагуловни сўраяпсизми, у ҳақда ҳар қанча илиқ гапларни айтса арзийди, — дейишади у ҳақда бирлашма ишчилари бир овоздан.

Дарҳақиқат, ўзи ҳақида яхши ва самимий гапларни бошқалардан эшитиш киши учун жуда ёқимли ва катта бахтдир. Ана шундай бахтга эса инсон фақат ўзининг ҳалол меҳнати билан эришиши мумкин. Майноқбой эса шундай фазилатлар эгасидир. Унинг Тошкентга келиб меҳнат қилаётганига ҳам етти йил бўлаяпти. Акаси Кали ҳам энди Тошкент тузини ичяпти.

С. БОБОЕВ.

Т. Каримов фотолари.



Қалб гули

Бир донишмандан сўрашибди:

— Қалбингда нима кўп бўлса ҳаётдан шодланасан?

Донишманд шу лаҳзада жавоб берибди:

— Қалбимда дўстларга меҳр лиммо-лим бўлсин. Токи кўз юмганимдан кейин бу меҳр гулга айланиб униб чиқсин! Уни узган ҳар бир киши дўстлик куйидан лаззатлансин.

Бошқаларни билмадиму лекин мен агар тирик бўлганда донишмандни ниҳоятда иззат қилган бўлардим.

Ҳаётда тақдирланишлар жуда кўп бўлади. Биров мукофот олади, биров жанговар нишонлар соҳиби бўлади, яна бировнинг кўксида қаҳрамонлик Олтин юлдузи порлаб туради. Лекин мукофотлар ичида шундай бир мукофот борки, унга камдан-кам одам сазовор бўлади. Бу дўстнинг муҳаббатига сазовор бўлиш. Шунинг учун ҳам буюк файласуфлардан бири «Дўстлик бебаҳо неъмат, ундан татиб кўриш учун матонат ва садоқатингни синовдан ўтказ» деган.

Дўстликни йиллар синовдан ўтказади. Йиллар синовига, даврлар шамолига бардош берган, пардай тўзғимаган дўстлик боқийликка даҳлдор.

Ҳаётда дўстлиги билан жумла жаҳонни ҳайратга солган улуғ сиймолар жуда кўп бўлган: Навоий ва Жомий, Маркс ва Энгельс, Ленин ва Горький...

Дўстлик бобида одамзот яратилгандан бери ўтли сатрлар битилди. Демак инсоният ўз ибтидосидан бошлаб ўзига дўст излаган. Топганида ўзида йўқ шод бўлган. Йўқотганида қон-қон йиғлаган.

Дўстлик ҳозир жуда катта маъно касб этяпти. Аввалари шахс шахс билан дўстлашган бўлса, ҳозир халқлар, юртлар бир-бири билан иноқ, иттифоқ яшаш учун аҳду паймон қилмоқдалар.

Ўзбек ҳеч қачон пахтани ўзи учун яратмаган. Тожик диёрида етиштирилган қаҳрабо анорлар шимолдан жанубгача машҳур. Туркман қоракўли кўплаб халқларнинг бошида қуёшдек жилва айлаб турибди. Қозоқ даштларида шовулларан буғдойни молдаван дастурхонида кўрсак не ажаб! Қирғиз қимизининг минг дардга давolигини ким билмайди дейсиз!

Дўстлик азизу мукаррам қилади халқимизни. Ушбу муқаддас ришталарни эса йил ўтган сари узмай, пишиқтириб бормоғимиз — замон тақозоси!

Юқорида сўзларини келтирганим файласуфга мен ўз тилимдан шундай қўшимча қилсам дегандим: «Дўстлик чиндан ҳам улуғ неъмат. Бизнинг халқларнинг дўстлиги инқилобнинг илк кунларида синовдан ўтган. Бу ўн беш иттифоқдош республикалар халқлари дўстлигини муқаддас билиб сақлашни доҳий Ленин васият қилган. Замонлар ушбу дўстликнинг барқарорлигига гувоҳ бўлиб ўтавергай».

Темур УБАЙДУЛЛО.



Дўст билан обод уйинг

ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ ЙИҒИЛСА БУТУН, ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДАН БЎЛОЛМАС УСТУН.

Жаҳоннинг барча халқларн дилларида ёқимли ҳиссиёт уйғотадиган сўзлардан бири ва энг қадимийси — дўстликдир. Рус халқи билан бир сафда ва унинг ёрдамида барча қардош халқлар улуғ дўстлик туфайли мисли-сиз тараққиёт йўлини босиб ўтдилар. Айниқса чор Россиясининг чекка, қолоқ ўлкаларн ҳмсобланган Ўрта Осиё регионн Совет ҳокимияти йилларида асрий қолоқликдан замонавий, гуллаб-яшнаган ўлкаларга айланди.

Шулардан бирн — Туркманистон Совет Социалистик Республикасидир.

Агар бу республика тарихининг солномасига назар солсак, Туркманистон билан қардош республикалар, шу жумладан Ўзбекистон, Ашхобод билан Тошкент ўртасида дўстлик ва қардошлик илларнинг йил сайин эмас, балки кун сайин мустаҳкамланиб борганини кўрамиз.

Мана бир неча мисол.

1928 йилдаёқ партия ва ҳукуматимиз Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларини ғоят қисқа муддатда индустриалиги республикаларга айлантиришда қардош халқларнинг ҳар томонлама ёрдамига таянди. СССР Давлат план комитети Туркманистонда ирригация ишларн учун беш йилликда 60,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратди.

Туркманистоннинг гуллаб-яшнашига Ўзбекистон халқларн ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Масалан, Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда республика саноатини тиклашга Ўзбекистон кўрсатган ёрдам салмоқли бўлди. Янги ерларнн ўзлаштиришга борган миллаб малакали саноат ходимлари орасида бошқа қардош халқлар вакиллари қаторн ўзбеклар ҳам бор эди.

Туркман ва ўзбек халқларн ўртасидаги дўстлик фақат саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардагина эмас, балки маданият, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Биз Бердн Кербобоев, Ҳидир Деряев каби юксак истеъдод соҳибларининг ўзбек адабиётн намояндалари билан қанчалик оганнидек қадрдон бўлганликларини биламиз. Бу анъананн бугунги кунда уларнинг авлодлари давом эттирмоқдалар.

Ҳамма жойда бўлганн каби ҳозир Туркманистонда ҳам қайта қурнш қизғин боряпти. «Қизил металлчи» заводи, «Зарбдор» кондитер фабрикаси, «Ашнефтемаш», бинокорлик материалларн комбинати ва бошқа корхоналар планга қўшимча фойда олмоқдаларки, бу тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида иш олиб борнш самарасидир. Бу ва бошқа корхоналарда турли миллат вакилларининг аҳил меҳнат қилаётганликларини кўриш мумкин.

Бугунги Туркманистон ва унинг пойтахти Ашхобод ягона қардошлик оиласида қандай камол топаётгани, унинг Ўзбекистон пойтахти билан алоқалари ҳақидаги материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

Бебаҳо хазина

Донишмандлар дўстлик ҳақида, дўстликни қадрлаш ҳақида, дўстга садоқат ҳақида жуда кўпгина доно фикрлар билдиришган. Қуйида биз Шарқ донишмандларининг шундай фикрларидан намуналар келтирмоқчимиз.

✦ Яқин дўстинг сенга ёмон истаса,
Ундан юз ўгир ё бардош-ла сўзла.
У билан олишма, сўкма, тортишма,
Шунда ҳам ярашиш йўлини кўзла.
А. ЖОМИЙ.

✦ Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас.
А. НАВОИЙ.

✦ Донога ёндошгин, қоч нодондан сан,
Ҳатто у хавфлидур доно душмандан.
Ж. РУМИЙ.

✦ Шу одам бўлур менга чин дўсту ёр—
Ки айбим юзимга деса ошкор.
✦ Нуқсонингни дўстдан сўраб юрма, у айтмайди. Яхшиси душманларнинг нима дейишини бил.
САЪДИЙ.

✦ Икки кишидан сен яширма дардинг:
Бири табиб эрур, бири — ҳамдардинг.
АТТОР.

✦ Чинакам дўст айтган ҳар ўгит, масал—
Сирти — заҳар эрур, томири — асал.
Н. ҲИСРАВ.

✦ Дўстимки, душманимга дўстлик қиларкан, уни мен дўст ҳисобламайман. Заҳарга қўшилган шакардан эҳтиёт бўл, ўлакса илон устига қўнган пашшадан ўзингни торт.
Иби СИНО.

✦ Яхши дўст — туганмас хазина.
✦ Одам дўстсиз қолганидан кўра ака-укасиз қолгани афзал.
ҚОБУС.

БИЛДИРИШ

1989 йил 28 февраль куни соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти клубида (Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй) Ўзбекистон Журналистлар союзи ва Тошкент журналистлар ташкилоти правленияларининг қўшма пленуми очнладн. Унда совет журналистининг касб этикаси кодекси ва СССР Журналистлар союзи раҳбар органларнн сайлаш тўғрисидаги низом лойиҳаларн муҳокама қилинадн.

Пленумга Ўзбекистон Журналистлар союзи, Тошкент журналистлар ташкилоти правленелари ҳамда ревизия комиссияларининг аъзолари, Қорақалпоғистон Журналистлар союзи, область журналистлар ташкилотларн правленеларининг раислари ва секретарлари, область газеталарининг редакторлари, область телевидение ва радиоэшиттириш комитетларининг раислари таклиф этиладилар.

Пленумда СССР Журналистлар союзидан СССР халқ депутатлигига номзодлар билан учрашув бўладн. Унинг ишида Ўрта Осиё ва Қозоғистон журналистлар ташкилотларнинг вакилларн иштирок этадилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Украинада бўлишига доир расмий хабарлар эълон қилинган.

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Шаҳар жамоатчилиги вакиллари ва Тошкент гарнизони жангчиларининг 22 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши шонли санага — Совет Армияси ва СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин очди.

Йиғилишда Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-лейтенант И. В. Фуженко доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов қатнашдилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли ва Ўзбекистон санъат усталари йиғилиш қатнашчиларига байрам концерти қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

✦ ПАРИЖ. Якшанба куни эрта тонгда Францнянинг Шимолн-шарқий соҳилидан йигирма километр нарида жойлашган Сен ороли яқинида қояга урилган Норвегия контейнер кемасини қутқариш борасндаги операция муваффақиятсизликка учради. Франция ҳарбий-денгиз кучлари кемалари иштирокида саккиз соат давом этган қутқариш ишларига қарамай, кеманн саёзликдан чиқариб олишга муваффақ бўлинмади.

Францнянинг Франс-пресс ахборот агентлиги таъкидлаганидек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, фалокат кема бошқарувида йўл қўйилган хатолар натижасида содир бўлган. Экипажнинг барча аъзоси қутқарилган ва вертолётларда соҳилга олиб келинган.

✦ ЛУСАКА. Замбиядаги кўпгина аҳоли пунктларн мамлакатнинг бутун территориясида давом этаётган тропик жала ёмғирлари натижасида вужудга келган тошқин туфайли саноат марказларидан узилиб қолдн. Замбиядаги ЗАНА ахборот агентлигининг хабар қилишича, Петвук округида (Шарқий вилоят) айниқса оғир аҳвол вужудга келган. Бу ерда дарёда сув сатҳи жуда кўтарилиб кетганлиги натижасида барча йўл ва кўпрнклар яксон бўлган. Замбияда транспорт воситаларн етишмовчилиги натижасида одамларга зарур бўлган озиқ-овқат ва шошилинч медицина ёрдамн ўз вақтида етказиб берилмаяпти.

23 февраль—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

БИЛИБ ҚЎЙИКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

№ 2 (68)

Мен сизни севардим...

(Публицистика)

«Мен учун Ватан — бу ҳамма нарса: ҳаёт, муҳаббат, садоқат, ишонч, ёрқин келажак, дўстлик... Сен Ватанни мен каби севгил...»
(Жангчи мактубидан).

Юрак қони билан битилган бу даъваткор сатрларни ўқир экансан, вужудимни ҳаяжон қоплади. Кўз ўнгимда ўша машъум уруш даҳшатлари, кулфат ва жасорат манзаралари гавдаланди. Мен ўша пайтлари эндигина мактаб партасига ўтирган эдим. Бизни деб, келажакни деб она-Ватан озодлиги учун қонли жангларда жонларини фидо қилган оталар ва тирик қолганларнинг босиб ўтган зафарли йўллари йиллар оша буюк тарих бўлиб қолди.

Аччиқ хаёлга толаман, мамлакатимизнинг ғарбий шаҳар ва қишлоқларини фикран кезаман. Кейин, кейин... кўз ўнгимда яна Она намоён бўлади.

Мен Онажорни ҳамма жойда учратаман. У гоҳ шод, гоҳ мотамсаро кўринади. Унинг мушфиқ юрагига қулоқ тутаман. Номаълум солдат ёдгорлиги пойига гул келтириб қўяди. Ҳайкални зиёрат қилади. Унинг юрагида буюк бир фахр бор. У шоҳсупага аста бош қўйди. Шу совуқ мармар тошда қандайдир бир сеҳрли куч бор. Бу куч Онажорнинг дилбанди эмасмикин? Балки кўзининг оқу қораси, навқиронлик фаслида ўзига ҳайкал қўйиб кетган фарзандининг руҳи эмасмикин?

— Онажон, бормисан, омонмисан? — замин бағридан янгроқ бир садо келгандай бўлади. — Мени эшитяпсанми. Мен сенинг ўғлингман, жигарпорангман! Мана, эллик йилча бўлдиким, мен сенга зор, сен менга. Кўзларинг тўрт бўлиб ҳамон мени кутмоқдасан. Сен йўлларимга термулганингда ўғлонларинг соғинмадими? Сени мен ҳам жуда соғинганман. Яқинроқ келгил, ўша қадоқ қўлларингни бўйнимга осгил. Юзларингдан тўйиб-тўйиб ўпай, қучай, онажон!

— О, ўғлим, онагинанг бўйларингдан ўргилсин! — у ўғли билан хаёлан қучоқлашиб кўришиб, суҳбат қуради. — Қаерда эдинг? Мен сени кутаверибман кўзларим нигорон бўлдику, ўғлим! Бунчалар узоқлашиб кетмасанг эди? Наҳотки мендан меҳринг қочган бўлса?

— Сени кўп интизор қилганим учун, узр! Ахир, мен пойингда, иссиқ қучоғингдаман. Сен боқийлик тимсоли. Мен қалбингнинг бир бўлагиман, сендан абадул-абад ажралмайман, унутишга ҳам ҳаққим йўқ аслo! Онажор! Шу кўҳна оламни ато қилиб, уни қайтадан ёшартирган энг буюк зотсан. Оппоқ сочларинг — баланд тоғларнинг қори, тоғлар эса букилмас ироданг. Кўкдаги ёруғ юлдузлар — сенинг чақноқ кўзларинг эмасми? Сокин дарёларни севинч ёшларингга, баҳор чечакларини табассумингга қиёс қиламан. Пешонангдаги ажинлар — кураш йўлларинг, йиллар эса умринг китоби. Онажон, кел, шу жасорат китобини варақлайлик, унга битилган оловли йиллар воқеаларини бирга ўқийлик. Унга сен билан менинг тақдирим битилган!

— Гапларинг ҳақ, ўғлоним! Осуда эди у кунлар. Кўчоқларимда ҳаёт гуркирарди. Боғларимдан баҳор аримасди. Чаманларда сайроқи қушлар хониш қиларди. Ҳаёт ишқи билан маст эди булбуллар. Заҳматкаш чумоли дон ташиб омборларини тўлдиргани каби мен ҳам сенинг тўйинг куни бисотимни очмоқчи эдим. Келинга аталган боримни сочмоқчи эдим. Ўша кунлар мену сендан бўлак бахтлироқ киши йўқ эди оламда. Нақадар осуда эди у кунлар...

Кутилмаганда тинчим бузилди. Қалбларга аччиқ бир фироқ тушди. Мамлакатнинг ғарбида осмонни қора тутунлар қоплади. Гитлерчи немис-фашист босқинчилари Ватан боғларини вайрон қилмоқчи бўлди. Қимирлаган жон борки, оёққа қалқди. Жигарпораларим саф-саф бўлиб жангга йўл олганида, этиклар зарбидан ер ларзага келарди. Ҳамма нарса фронт учун, халқимизнинг ғалабаси учун сафарбар қилинди. Ахир, юртдошлари бошига оғир кунлар тушганида мактабни эндигина битирган менинг ўғлим Тўйчи Эрйигитов бошқалардан ўзини бир чеккага олиб турармиди? Фарғона водийсининг Булоқ қишлоғидан биринчилардан бўлиб инқилоб бешиги — Ленинградни душмандан ҳимоя қилгани урушга йўл олдинг. Поезд ғарбга кетар чоғида бутун бир нонни насибанг етаклаб келсин, менга тишлаб бер, деб сенга узатдим. Аммо садаф тишларинг ўрни қолган бу нон токчада йиллар оша қотиб тураверади, деб ким ўйлабди ўшанда?

— Биламан, бошингга кўп оғир савдолар тушди. Ҳамон мени ёд этурсан. Айрилиқ шомида анжирдай эзилиб, қалбингни доғлама, онажон. Сени бир улуғвор дарёдай сезаман. Тўлқинларинг қалбимда туғён урарди ўша пайтларда. Ажал уруғлари ёмғирдай ёғиб турган кезлар эди. Ленинградликлар 900 кун фашист газандалари қўлида қамалда қолган эдилар. Улар душман қўлида 900 кун қон қусдилар, қон! Ҳаво ўрнига порох дудларини ютишарди, нон, киймкечак ниҳоятда танқис. Ана шундай оғир пайтда Сен бизни ўйладинг. Ўзинг оч, юпун бўлсанг ҳам, боринғни бизга йўлладинг. «Ленинград учун озиқ-овқат» деб ёзилган биринчи эшелон Ўзбекистондан Ленинградга етиб келди. Кунимизга яраши сен ёлган буғдой нонлар, сен тиккан кийим-кечаклар.

Қўмондонликдан жанговар топшириқ олдим. Ленинград яқинидаги Тигода дарёси қирғоғига жойлашган Смердиния қишлоғида душман ДЗОТини парчалаб, сафдошларимга йўл очишим шарт. Бунинг учун оловга-олов бўлиб боришим даркор. Ниҳоят ДЗОТни кўкрагим билан беркитдим. Улимим Александр Матросовдек энг бахтли ўлим бўлди, десам муболаға бўлмас. Полкдошларим ғалаба маррасини эгалладди.

— Жасоратларингга минг офарин, ўғлоним! Сенга берган оқ сутимни, нон-тузимни оқладинг. Сендан минг бор розиман. Йўқ, ўғлон, сен асло ўлмадинг. Сенинг буюк сиймонг, тарихий жасоратинг бобо юртнинг паҳлавон фарзандлари Қудрат Суюнов, Тоштемир Рустамов, Карим Султонов тимсолида намоён бўлди. Улар ҳам Матросов жасоратини такрорлаган ўзбек халқининг қаҳрамонлари.

— Ҳа, эндиликда биз одамлар қалбини, сафдошлар қалбини Ватан қилдик. Лекин сафдошларимиз умримизнинг давоми эмасми, Болтиқ бўйларида душман устига ажал уруғлари бўлиб ёпирилдик. Мен латиш онаси Ольга Гремберг сиймосида сенинг сиймоингни кўрдим. Фашистлар Кишинёвга бостириб кирганида қамалда қолдинг. Қийноқлар иродангни бука олмади. Сени дорга осишдан олдинроқ қамоқхона деворларини ўйиб, қасамёд сўзларингни ёзиб қолдирган экансан. «Яшаш ва курашни коммунист отанг ва онангдан ўрган. Биз сизлар учун ҳалоқ бўляпмиз. Душмандан аёвсиз ўч олинглар!». Сенинг бу қасамёдларингга лаббай, деб жавоб бердик. Болтиқ бўйларида оппоқ тонглар отди. Гитлерчиларнинг оловли истеҳкомларини парчалаш учун Украинага дадил йўл олдик...

— Украина ҳам икки йилгача душман халқасида нафас оларди. Сен Шевченконинг кўз ёшлари тўкилган ўлкада афсонавий қаҳрамон фарзандим, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, разведкачи Николай Кузнецов тимсолида гавдаландинг. Жасоратингга тасаннолар бўлсин, ўғлим! Сен қаҳрамонлик тарихини яратиб, ўзингга мангуликка ҳайкал қўйдинг!

— Жасоратнома тарихига ҳали нуқта қўйилганича йўқ эди, Онажон! Мен сенинг ўғлинг, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, самарқандлик Бойс Эргашев тимсолида гавдаландим. Сафдошим Николай Кузнецов изларидан бордим. Уч фронт жангчилари Украинани фашистлардан озод қилиш учун энг хавфли ҳалқларга ташланди. Қисмларимизнинг навбатдаги ҳужумлари учун йўл очиб бердим. Оғир яраланган эдим. Госпиталдан чиққанимдан сўнг Бессарабияда контузия бўлиб қолдим. Энди мени она Самарқанд кутар эди.

— Ўғлим Боисжон, сен кўкрагингга қаҳрамонлик орденларини тақиб келганингда юртдошларинг қанчалар севингани ҳамон ёдимда. Тинч меҳнатда ҳам эл-юрт ишончини оқлаяпсан. Бироқ бу кунларга кимдир етди, кимлар етмади. Фашизм концлагерида қанча-қанча ўғлонлар қийнаб ўлдирилди.

— Европанинг бир қанча шаҳарларини фашизм концлагерига айлантирган эдилар. Уларда сон-саноқсиз асирга олинган совет жангчилари ва бошқа мамлакатларнинг маҳбуслари жабрланарди. Татар халқининг ватанпарвар жангчи ёзувчиси Абдулла Алиш 1941 йил 12 октябрда Брянскда немисларга асир тушиб қолди. У турли лагерларда бўлди. Ниҳоят Берлин концлагерига келтирилди. Лагерларда азоб чекаётганларнинг кечмишларини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Уларни сўз билан ифодалаш қийин.

Бу ерда ҳар қадамда асирларни ўлим кутарди. Шунга қарамай машҳур татар шоири Мусо Жалил, ўзбек шоири Раҳим Сатторов, тошкентлик Гариф Шабаев, Сайфулмулуков, қозонлик Фуат Булатов, москвалик журналист Аҳмад Симаев сингари йигирма зиёли яширин антифашист комитетини тузган эдилар. Ташкилот «Қизил ёшлар» номли яширин газета ҳам чиқарарди. Комитет аъзолари қаршилик кўрсатиш ҳақида варақалар тарқатишарди. Фашистлар Германиясидан бошқа софдил Германия ҳам бор эди. Бу — қаршилик кўрсатиш кучлари! Улар комитет аъзолари билан бирга лагерларга Ленин томларини олиб киришди. Бу — асирларни фашистлардан қасос олишга чорлади. Ленин томлари —Ватан, оила, кураш ва виждон дегани эмасми, ахир?! Бухенвальд ва Берлинда асирлар қўзғолон кўтаришди.

Мусо Жалил, Раҳим Сатторов, Абдулла Алишлар отишга ҳукм қилинди.

Аммо, минг афсуслар бўлсинки, Ғалаба баҳорини, ҳозирги бахтли кунларни йигирма миллиондан ошиқроқ сафдошларим кўролмади. Улар эндиликда оппоқ ҳисларга, оппоқ қабутарларга айланиб қолдилар. Кабутарлар эса тинчлик тимсоли. Мен ўша кабутарларнинг бириман. Мен — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари: зиёкор Неъматжон Ҳакимов, Ислом Усмонов, ҳарбий саркардалар Собир Раҳимов, Нурмон Нурматовман... Сенинг иссиқ қучоғингдаман. Бундай пайтларда Юлиус Фучикнинг: «Тирик қолганлардан бир илтимосим бор, унутманг! Яшиларни ҳам, ёмонларни ҳам унутманг!» деб ҳайқиргим келади. Ҳа, биз коммунистик ҳаёт қалбига, жамиятни соғломлаштириш, қайта қуриш жабҳаларига сингиб кетганмиз.

— Ўғлим, тинч ором олавер. Эндиликда у даҳшатли кунлар такрорланмайди. Чунки, бутун тараққийпарвар инсоният бир мақсад йўлида тинчлик кўргонига жипслашган. Бу — Ленин, бу — Коммунистик партия, Бу — Советлар Иттифоқи! Бу — социализм ва тинчликсевар кучлар Иттифоқи! Бу — Совет қуролли кучлари, Ҳарбий-Денгиз Флоти ва сайёраларо фан сирларини очаётган кемаларимиз қудрати.

Фашизм жаҳонга ҳоким бўлмоқчи эди. Мақсадига етолмади. Негаки, нур бор жойда зулматга ўрин йўқ. Шавкатли Совет Қуролли кучлари фашизмдан қутқариб, тўшакка ётқизди. Қишлоқ ортидаги кенгликда вертолётдан икки аскар ерга сакраб тушиб, эҳтиётқорлик билан беморни ичкарига олишди. Мен пешонамдан оқаётган терларни кафтим билан артиб, ўрмалаб танкка чиқдим. Сўнгра позицияга қайтдик.

Дўстимнинг ҳиқояси тугаса ҳам оила аъзолари, меҳмонлар сукут сақлаб ўтирардик. Назаримда Алишердан кўп нарсани ўргангандек эдим. У даҳшатли уруш фожиаларини ўз кўзи билан кўрди. Шу сабабли ҳаётга муносабати ўзгарган, жиддий.

Ёшлик дамларини мардларча ўтказган тенгдошимдан фахрландим.

Шожалол ШОҚОСИМОВ.



Афғонистондан совет қўшинларининг чекланган қисмлари Ватанга қайтиб келишди. Мардлик намуналарини кўрсатган ўғлонлар Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини эндиликда жанг майдонларида эмас, ўз юртларида нишонлашмоқда.

Сиз кўриб турган ушбу суратда муқаддас тупроққа қайтган солдатларнинг ҳаяжонли дамларни акс эттирилган.

В. Хабаров телефотоси.

Солдат хизматдан қайтди

Анвар ананинг хонадони яна нурга қувончга тўлди. Санда ая энди интернационал бурчини ўтаётган ўғлини эслаб, куймайди.

Кираверишда дўстим билан қучоқ очиб кўришдик. Анча ўзгарибди. Нигоҳи ўйчан, босиқлик билан сўзлайди. Қиёфаси у аввалги Алишер эмас.

Шу орада Санда опа дастурхонга таклиф қилиб, патинисда мева-чева келтирди. Анча пайтгача суҳбатлашиб ўтирдик.

— Хизматим Афғонистоннинг бир қишлоғида ўтди, — деди Алишер бошидан кечирганларини қисқа қилар экан. — Мен танкда механик ҳайдовчи эдим. Кунлардан бирида душманлар Покистон чегарасидан ўтишди, Ярим тун жанг қилиб, уларни улоқтириб ташладик. Икки кун ўтар-ўтмас яна пайдо бўлиб қолишди. Уч сутка тинмай жанг борди. Бизнинг взвод ортда тайёр турарди, олдинда пиёда аскарлар ва артиллерия. Танкда берилаётган хабарларни эшитардик. Бир маҳал уч киши яраланганини айтишди. Вужудим титраб, командирга юзландим:

— Нимага қараб турибмиз, ахир...

— Узингни бос, Абдураҳимов, буйруқ келгани йўқ, чида, — дея у елкамга кафтини қўйди.

Шу орада Алишернинг синфдоши, А. Икромов районидаги 236-мактабда бирга ўқиган, яқинда Афғонистонда хизмат қилиб қайтган Обид Азимов келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўраш-дик. Бироздан сўнг суҳбатимиз яна давом этди.

— Яна бир қуролдошимиз яраланганда командир ҳам чидаб туролмади,—деди Алишер,— зудлик билан унинг олдига етиб келдик. Атрофда дарахт. лар кўплигидан вертолёт қўнолмаётган экан. Тезда танкни ҳайдаб, ярадорни беркитганча аста кўтариб, тўшакка ётқиздик. Қишлоқ ортидаги кенгликда вертолётдан икки аскар ерга сакраб тушиб, эҳтиётқорлик билан беморни ичкарига олишди. Мен пешонамдан оқаётган терларни кафтим билан артиб, ўрмалаб танкка чиқдим. Сўнгра позицияга қайтдик.

Дўстимнинг ҳиқояси тугаса ҳам оила аъзолари, меҳмонлар сукут сақлаб ўтирардик. Назаримда Алишердан кўп нарсани Ўргангандек эдим. У даҳшатли уруш фожиаларини ўз кўзи билан кўрди. Шу сабабли ҳаётга муносабати ўзгарган, жиддий.

Ёшлик дамларини мардларча ўтказган тенгдошимдан фахрландим.

Шожалол ШОҚОСИМОВ.

Сўнмас у кунлар шуҳрати



ҚЎЛДА ҚАЛАМ БИЛАН

Улуғ Ватан урушининг оғир дамларида совет жангчилари қаторида мен ҳам кўплаб қонли олишувларда иштирок этдим. Сталинград, Кубань чўллари, Украина шаҳар ва қишлоқлари, Польша, Руманния, Венгрия, Чехословакиядан ўтиб, Берлингача бордим. Олдинги қисмларда, кузатиш пунктларида, командир «қароргоҳи»да кўрган-кечирганларимни СССР Мудофаа министрлигининг органи — «Красная звезда» газетаси орқали ёритдим. Бу газета жангчиларнинг севимли йўлдоши эди. Константин Симонов, Илья Эренбург, Борис Полевой, Александр Долматовский каби машҳур ҳарбий муҳбирлар ёрдамида фронтнинг олдинги марраларида қурашаётган ўзбек ўғлонларининг ҳаёти, жасорати ҳақида мақола, очерк, хабарлар ёздим. Материалларда тасвирланган воқеаларнинг аксариятида ўзим бевосита иштирок этганман.

Қўшинларимиз Руминиянинг Клуж шаҳрини душмандан халос этишга тайёргарлик кўрарди. 229-ўқчи дивизия командири, генерал Захаров бир группа разведкачиларни «тил» олиб келиш учун юборди. Мен улар ҳақида лавҳа ёзмоқчи бўлдим. Рухсат беришгач, ўн киши 21 километр масофани босиб ўтиб, 13-немис танк қўшилмасига дуч келдик. Офицер ва солдатлар турган блиндаж ўраб олиниб, 3 офицер ва 12 солдат қуролсизлантирилди. Қайтаётганда яна фашистлар билан тўқнашдик. Разведкачиларимиздан 6 киши ҳалок бўлди. Душман ҳам катта талофат кўрди. Биз келтирган «тил»дан учун ташаккур эълон қилиб, кўпчиликни жанговар орденга тақдим этишди.

1944 йил охирларида Венгриянинг Надланг шаҳрида 56-гвардиячи резерв армиясининг штаби жойлашди. Асирга тушган немис офицерлари сўроқ қилинаётган бир пайтда газетага лавҳа ёзмоқчи бўлдим. Биз бир кун ичида анча илгарилаб кетгандик. Шу боис тартибсиз чекинаётган душман қисмлари билан йўлда тўқнашиб қолиш ҳеч гап эмасди. Хатван шаҳарчасида фашистларнинг танк, замбарак, солдатлари кўринди. Чекинишнинг иложи йўқ, чунки йўл битта, немис танклари эса йўлимизни тўсиб қўйганди. Дарҳол машинадан тушиб орден, медаллар, ҳужжатларимизни юк халтага жойлаб, йўл чеккасидаги дарахт остига кўмиб қўйдик. Машина ичидаги граната ва автоматларни олиб, орқага қайтаётганимизда украиналик Саша Бондаренконинг плашчи елкасидан тушиб кетди. Фашистлар унинг формасини кўриб қолишди.

Элликка яқин душман солдати «партизанлар» дея ҳайқириб бизни қуршай бошлашди. Отишма пайтида Саша ҳалок бўлди. Ярадор ҳолатда мен ва Нина Сердил исмли фронт газетасининг ходимини немислар ушлаб, штабга олиб кетишди. Сўроқ бошланди.

Кўз олдимда молдавиялик жасур қизни қийнаб ўлдиришди. Менинг панжаларимга эса суюқ порохдан укол қилиб, зажигалка тутдилар. Сочимни устарада қириб, бошимга муздек сув томчилатишди. Бундай ваҳшийликларни таърифлашга тил ҳам ожизлик қилади. Хушимдан кетдим. Кейинроқ бизникилар ҳужумга ўтиб, бу газандалар тўдасини қириб ташлашибди. Бир неча кундан сўнг госпиталда ўзимга келгач, ҳужжатларимиз яширилган жойни тушунтирдим...

Ғалаба йўли осон бўлмади. Азоб-уқубатлар, жанговар йилларни кўз олдимга келтирсам беихтиёр жанггоҳларда ёзган сатрларимни хотирлайман:

Улуғ жанг кунлари, танидик дунё,
Оловли йилларнинг муҳрн юракда,
Оловли дилларнинг меҳри тилакда...
Меҳрибон партия бўлди раҳнамо,
Енгмоқлик ишқини солди дилларга,
Умримиз эт бўлди ёруғ йилларга.

* * *

Кўнгил кўзгусида акс этар ҳали,
Ёшлик йилларининг бу гўзал они,
Қалбимга ўт ёққан марш оҳанглари,
Барабан садоси, қўшиқ туғёни,
Шу кун илк сафларга қўшилган эдим.
Солдатлик камарин боғлаган белга,
Манглайда порлади беш қирра юлдуз.
Қасамёд айладим жонажон элга,
Жанговар байроқ-ла туриб юзма-юз.
Эрк дея курашган оталар,
Меросин биз сақлаб қолганмиз мангу,
Фашизм дунёдан абад йўқолар —
Тарихнинг муқаррар ҳукми эрур бу!

Улуғ Ватан уруши инвалидиман. Беш марта ярадор, икки марта контузия бўлганман.Қатор орден-медаллар тақиб, гвардия майори унвони билан она юртимга қайтдим. Ҳозир Улуғ Ватан уруши ҳақида эсдаликлар ёзяпман.

Инсон ўзи ва халқи олдида ҳамиша бурчли, қарздор. Агар лозим бўлса, садоқатини намоён эта олиши, муқаддас ишимиз учун кўксини қалқон қила билиши керак.

Муҳиддин ЖАББОР.

Мангуликка дахлдор

Майна Ҳасанова номли пионерлар уйида интернационалчи - жангчилар музейи очилди. Унинг ташкил этилишида Афғонистонда хизмат бурчини ўтаб қайтган йигитларнинг ўзлари фаоллик кўрсатишди.

Ҳамза районида бу масала ўтган йили, интернационалчи-жангчиларнинг II слетида кўтарилган эди. Шундан сўнг район комсомол комитети ўз интернационал бурчини ўтаётганда мардларча ҳалок бўлган 28 нафар ўғлонлар хотирасини абадийлаштиришга жиддий киришди.

— Бизга ветеранлар Совети яқиндан ёрдам бермоқда, — деди район комсомол комитетининг иккинчи секретари Н. Королевский, — айни пайтда уч мактабда ҳарбий-ватанпарварлик клуби, шунингдек «Еш десантчи» бирлашмаси ишлаб турибди. Афғонистонда бўлган йигитлар «Зарница», «Орлёнок» ўйинлари ўтказишда кўмаклашишаяпти. Уларнинг кўпчилиги ўзлари ўқиётган ёки ишлаётган жойларда Совет туэншган. Ана шундай жамоат ташкилотлари Тошкент Давлат медицина институти, 1-уйсозлик комбинати ва бошқа жойларда хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Биргина булар эмас, интернационалчи-жангчилар ҳалок бўлган қуролдошлари оиласини оталиққа олишган. Зарур пайтда меҳнат ва партия ветеранларидан ҳам ўз ёрдамини аямаётир. Музей ташкил этилаётганда эса ҳужжатлар, керакли буюмлар йиғишда жонбозлик кўрсатдилар.

Хона унча катта бўлмаса ҳам афғон тоғларидаги жанг эпизодлари, кўрсатилган мардликлар яхши акс этган. Ҳунар-техника билим юртидан келган ўқувчилар гранотомёт, пулемёт лентаси, гильзалар ва бошқа экспонатларни ҳаяжон билан томоша қилишди.Ойна остида эса турли рўйхатлар, имтиёзлар ҳақидаги маълумотлар...

Районда 600 нафардан ортиқ интернационалчи-жангчи бор. Уларга эътибор, биринчи даражадаги ғамхўрлик зарур, деб ўйлаймиз. Ҳозирги даврнинг талаби ҳам шундай.

Музейнинг очилиш маросимида Мирмаҳмуд Аҳмедовнинг онаси сўзга чиққани ёдимда. У ҳалок бўлган ўғлининг қуролдош дўстлари, район комсомол комитети ва ҳарбий комиссариатига миннатдорчилик билдирди. Ҳозирги кунда Мирмаҳмуд таълим олган 76-мактабда шуҳрат бурчаги ташкил этилган. Фарзанд доғида куяётган она кўрсатилаётган ғамхўрликлардан руҳланиб, фахрланмоқда.

Шаҳримиздаги ҳар бир районда интернационалчи-жангчилар музейи бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу, айниқса ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Зинаида МАДАЛИЕВА.

Жаҳон шаҳарлари

ИСЛОМОБОД. Афғон оппозициячиларининг Ревалпиндида бўлган маслаҳат кенгаши (шўро) мажлисида «мужаҳидларнинг муваққат ҳукумати» составини муҳокама қилиш ўткир зиддиятлар вазиятида ўтди. «Ўртача йўл тутувчи» партияларнинг вакиллари оппозиция экстремист қисмининг вакили Аҳмадшоҳ бошчилигидаги «муваққат ҳукумат» составига қарши норозилик белгиси сифатида яна мажлис ўтаётган залдан чиқиб кетдилар. Уларнинг иштирокисиз министрликка 15 номзоднинг номи маъқулланди, уларни асосан консерватив гуруҳлар кўрсатганлар. Шуниси диққатга сазоворки, номзодлар улар бошчилик қиладиган министрликларнинг номи кўрсатилмай тасдиқланмоқда.

Эронда ўрнашган «саккизлар уюшмаси» делегацияси шўронинг бирорта ҳам мажлисида қатнашмай, Теҳронга учиб кетди.

Шўронинг иши даврида афғон оппозицияси раҳбарлари орасида пайдо бўлган келишмовчиликлар афғон қочоқлари кенг доирасида норозилик туғдирди.

ВАШИНГТОН. Планетамизнинг шимолий қутбида вақти-вақти билан Антарктида устида пайдо бўладиган «озон тешиги» каби жуда катта тешик вужудга келиши мумкин. Бир ярим ой мобайнида Арктика теласида авиация экспедициясини ўтказиш чоғида атмосфера ҳолатини ўрганган америкалик мутахассислар ана шундай деб огоҳлантирдилар.

Экспедиция қатнашчиларидан, бири Р. Уатсоннинг миллий матбуот марказидаги конференцияда сўзлаган нутқига кўра, инсон фаолиятининг маҳсули бўлган, таркибига хлор кирган моддаларнинг атмосферага ҳамон чиқаётгани оқибатида Арктикада озон концентрацияси камаймоқда. Озоннинг камайиши эса, деб таъкидлади у, атмосферанинг қуёшнинг ультрабинафша нурлари ёриб киришидан муҳофаза қилиш қобилияти камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида одамларда рак ва кўз касалликларининг келиб чиқишини кўмаклашиб, дон ўсимлигига жиддий зарар етказади.

ЛОНДОН. Теҳроннинг ния ёзувчиси С. Рашди пўписалари туфайли Ғарб лакатлари билан Ироннинг даги муносабатларда қан ўткир сиёсий тарункали тус олмоқда шувга сабаб бўлган шеърлари» романининг лифи шанба куни бошсулмонлардан кечирим ди, Эрон Ислом республисининг раҳбари Хумайчиримни қабул қилмаэтди. Эрон ахборот агентарқатган ва мақсус эълинган баёнотда Рашдирона асар ёзганлигида шаймон бўлса ҳам унриб бўлмайди, дейилган. Эроннинг диний ри ўз романида қурсМуҳаммад пайғамбарни рат қилган ёзувчини ришга мусулмонларни даъват этди.

Кузатувчилар китобхоналлифи ўзининг асари мўминини шу қадар ранфа қилгани учун» билдириб, расмий кечирим сўраганидан китобининг нашр этилишлан боғлиқ танглик деб умид қилган эдилар кин Эрон президенти Хаменеи агар шов-шувли баб бўлган китоб мусулмонлар олдида равишда тавба-тазарру Англия билан Эроннинг даги муносабатлар боши берк кўчадан мумкинлигича шаъбўлса ҳам бундай Хумайнининг сўнгги деб уқтиради шу билан Рейтер агентлиги масалада Эрон расорасида юз берган лардан далолат беради агентлигининг фикрича Ғарбга нисбатан тиққўллик билан тарафдорлари устун Британия ташқи ишнистрлиги баёнот тарқда Хумайнининг ёзувдиришга иккинчи бор этганидан жиддий билдирди.



Вьетнам корхоналарининг чет эл фирмалари билан корлиги ривожланиб бормоқда. Чет эл капитал маблағ тўғрисидаги қонун қабул қилингандан сўнг хорижий компаниялар билан 50 дан знёд шартномалар тузилди. Халқаро лигининг турли тармоқларига улар сарфлайдиган маблағ рийб 300 миллион долларни ташкил этади. Эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган Вьетнам ҳукумати ҳам барча тармоқларини ривожлантиришга, давлат корхоналарини хўжалик ҳисобига ўтказиш ҳақидаги қарорларини амалга ошириш жараёнини жадаллаштиришга киришмоқда.

СУРАТДА: Хошиминдаги машинасозлик электроника бирлашмасида ишлаб чиқарувчи «Вьетроникс» корхонаси цехларидан бирида.

А. Шотин фотосурати. ТАСС фотохроникаси.

КИМ ТЕЗ ГАПИРАДИ?

Ер юзида ҳаммадан кўра французларнинг тез гапириши ҳисоблаб чиқилган. Ана шу маълумотларга қараганда улар бир минутда ўртача 350 бўғиндан иборат сўзларни айтиб улгуришар экан. Иккинчи ўринда японияликлар туришади — улар ана шу вақт ичида 310 бўғиндан иборат сўзни айтишади. Аммо суҳбат пайтидаги имо-ишораларга келганда французлар мексикаликларга тенг келишолмайди. Инглиз психологи Майкл Арчилнинг аниқлашича қараганда улар бир соат давом этувчи суҳбат мобайнида 120 имо-ишора қилсалар, қизиққон мексикаликлар 180 имо-ишора қилар эканлар. Италияликлар ана шу вақтда 80 имо-ишора қилишади. Ўртача бир фин бир соатлик чоғида... бир мартагина имо-ишора қилиши ҳам ҳисоблаб чиқилибди.

МУЗТОҒЛАР СОТИЛАДИМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Аляска штати маъмурлари олдида маҳаллий компанияларда бирга сузиб юрувчи музтоғларини Японияга сотишга рухсат берсакмикан ёки йўқми, деган жиддий савол кўндаланг турибди. Шу ҳилдаги лойиҳалар илгари ҳам таклиф қилинган, фақат уларнинг аксарятида ичимлик сувга тўкинэҳтиёж сезаётган мамлакатларга сотиш кўзда тутилган эди. Мана энди ёғоч-тахта тайёрлаш ва уни ташиш соҳасида их-

ЧЎПОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Қўй подасини кўрсатиш «йўл қоидалари»ни ўрганиш ёки ўтиш, пул ёки қоғозлан бирга саноқли қоғозларда тор кўчадан ўтиш, қўйларни бир жойдан иккинчи жойга жилдирмай тўхтатиш — ГДРда ана шундай мусобақалар бўлиб қолган чўпонларнинг мусобақаларга бериладиган ширинликларнинг бир хилдаги холос. Талабчан қатнашчиларнинг билимларини, қўй ва уларнинг жуниға маҳоратларини ҳам дан ўтказади.





Дўст билан обод уйинг

ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ ЙИҒИЛСА БУТУН, ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДАН БЎЛОЛМАС УСТУН.

Шаҳарлар ва тақдирлар

кистон телевидениеси орқали шу нг бошларида «Ҳаёт қувончлари ва рлари» туркум кўрсатувининг нав- сони намойиш қилинди. Бу гал бликамиз шаҳар ва қишлоқлари дан эмас, балки тамомила бошқа — истондаги зилзила тафсилотлари экран»да намоён бўлди. Ҳамма- аётганга тушдик. Фақатгина бу кўр- нинг ўзи учунгина эмас, бунгача ар куни «Время»да воқеаларни соат- кузатдик. Биримиз маошимиздан, нимиз пенсия ёки стипендиямиздан, от пулимиз билан жабрдийдаларга -қудрат кўмаклашишга шошилдик. орагимиздан ачиндик, қайғуга туш- Ленинакан, Кировакан, Спитак...

дан кўп ўтмади. Яна машъум хабар Яна «Ҳаёт қувончлари ва ташвиш- эфирга чиқди. Энди унинг адреси кунда ёнимизда, қўшни Тожикистон- Шарора, Оқуликоло... Кўз ўнгимиз- кунлик нотаниш чақалоқ. Исми-ша- йўқ эди унинг. Йўқ эмас, аниқроғи, айтадиган на отаси, на онаси бор расиз, номсиз гўдак. Олти кунлиги- бошига шундай бахтсиз тақдирни табиатнинг ўзи унга исм атади: Биз Шарорани ҳам кўрдик. Оқу- ни ҳам, Ленинакан, Кировакан, ни ҳам. Қолаверса, «13 терак кў- фильмига «пойдевор» қўйган Тош- илзилаларини ҳам, Газлидаги офат- замона зайли — телевизорларда, рда кўрдик. Гувоҳ бўлдик. Аммо...

аммо биз атиги бир нечта расмий ар орқали бохабар бўлган Ашхобод асини ҳам биламиз. Кўрмаганмиз, биламиз. Ундаги фожиали воқеалар ндай лентaларга тушмаган. Начора, Ватан урушида қозонилган ғалаба- чинчи йили, аниқроғи, 1948 йилнинг ибридан 6 октябрига ўтар кечаси, а вақти билан соат 23 дан 17 минут а зилзила орқасида пайдо бўлган и зарбини «Москва» сейсмик стан- қайд қилди. Эпицентрда 10 балл. одда 8—9 балл, деган хулосага ке- эди.

н йилнинг ёзида хизмат юзасидан одда командировкада бўлган чоғда н ҳамкасбларим шундай фактни қилиб беришганди. Ўшанда республ- ойтахтида 120 мингдан зиёдроқ истиқомат қилган. Шундан эса ати- мингдан зиёдроғи омон қолган, хо- расмий статистика манбаларида эса, ланганлар аниқланмаган» деган келтирилади.

оқ, офатми —офат. Ундан ҳеч ёққа лмайсан. Ашхободликлар бошига кулфатни эшитган Советлар мам- гражданларининг диллари ларзага Юрагида ўти, билагида кучи бор кишилар Ашхободга отландилар.

Ёрдамга шошилганлар орасида қон-қардош ўзбек халқи, жумладан, тошкентликлар биринчи бўлиб майдонга чиқдилар! Зилзила рўй берган тонгда граждан ҳаво флоти Ўзбекистон бошқармасининг аэропланларда зарур миқдорда асбоблар, дориларми ва яра боғлайдиган материаллар билан юздан ортиқ врач, асосан хирурглар ва ўрта медицина ходимлари Ашхобод шаҳрига етиб келди. Зилзиладан жабрланганларни қабул қилиб олиш учун республикамизда ҳаммаси бўлиб 10 мингдан ортиқ ўрин, шу жумладан, Тошкент шаҳрида 7500, Самарқандда 1000, Фарғонада 500 ва Бухорода 500 ўрин тайёрланди. Тошкент аэропортида ва темир йўл станцияларида зарур миқдорда медицина ходимлари ва санитария асбоблари билан таъминланган қабул пунктлари очилди. Тошкентга ва республикамизнинг бошқа шаҳарларига қардошлик қонуни билан офат юз берган Ашхобод шаҳридан олиб чиқилган кишилар соғайиб кетдилар. Беморлар ўзларига қилинган муолажалардан эмас, дўстлар меҳридан, қардошлар ҳароратидан оёққа турдилар!

Мен Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган туркманистонлик бир қария — Карим отани биламан. Ҳар сафар зилзила деса, ўша нуроний ёдга келади.

— Турмуш ўртоғим ва олти фарзандимдан, Ашхоботдаги, ўз она-юртимдаги зилзила туфайли жудо бўлдим. Ҳаммаси кўз ўнгимда, кўз-очиб юмгунча рўй берди. Тақдир экан, ярадор ҳолда шу ерга олиб келтиришди. Оёққа турдим. Бунинг учун ўзбек халқига минг бор раҳмат,— дейди у.

Ашхобод зилзиласи оқибатларини бартараф этишда қўмаклашиш ўша йили мамлакатимиздаги ҳар бир холис ниятли кишининг қалб амрига айланиб қолганди. Атоқли ўзбек адиби Ғафур Ғулом жўшиб таърифлаган «Турксиб йўлларида» Ашхобод сари елдек учган паровозларни эслаланг-а. Офат юз берган районга келаётган ёрдамнинг ўлчови йўқ эди. Ҳамма бир жону-бир тан бўлиб, янги турар-жой бинолarини, саноат объектларини барпо этишга киришди. Тез орада дастлабки аҳоли турар-жой маҳаллалари, кварталлар бунёд этилди. Кўчалар шаклланиб қолди. Ана шулардан бирига буюк ўзбек алломаси Алишер Навоийнинг, яна бирига «Тошкент» номи берилди. Ҳа, кварталлар қурилар, ҳаёт ўз маромига тушиб борар эди. Аммо орадан вақт ўтиб, бундай кулфат бизнинг пойтахтимиз халқи бошига тушишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Минг афсуски, орадан 18 йил ўтгач, бизнинг Тошкентда ҳам ер силкинди...


Қудратли дўстлик туфайли Ашхобод ҳам, Тошкент ҳам гуллаб-яшнаган шаҳарларга айланди...

С. РУСТАМОВ.

Ота ОТАЖОНОВ,
туркман шоири

Ватан ҳақида сўз

Ватан!.. Сенн куйласам тошиб
Сафарларим оҳанги маҳтал —
Шаҳар, қишлоқ, ўлкалар ошиб,
Оғушингда кездим кўп маҳал.
Бироқ тағин улгурмай қўниб...
Йўллар ундар уфқлар сари.
...Ёддан чиқмас, илк олган йўлим
Бўлган эди Тошкент сафари.
Варақлайман йўл дафтаримни:
Хотира, йўл, эллар... — ёзганим.
Кўрган гавжум бекатларимдан
Биринчиси —Тошкент вокзали...
Кезганим бор Ҳисор воҳасин
Ҳам Арагва қирғоқларини.
Дилга солган дарё ҳавоси
Чўққиларнинг оппоқ қорини.
Поёни йўқ рус ўрмонлари
Минг бор мени асир этдилар.
Йўллар қардош юрт ўғлонларин
Ҳузурига ҳар гал элтдилар...
Кўп бўлганман қалбу онгимга
Ошно бўлмиш Олатовда ҳам.
Қирғиз тонги — менинг тонгимда!
Унда мамнун ташларкан қадам —
Жонон қимиз бўлиб кўринди
Чўққиларда жимирлаган қор.
Қай ерида бўлмай юртимнинг
Менга ҳамроҳ дўстлик ва баҳор.
Қайда бўлмай, қалбдан олгай жой
Ватан меҳри, меҳнат ва чирой...



Ашходдаги Карл Маркс майдонининг кўриниши. Ю. Шкурин фотоси.

Республика жамоли

Туркманистон ССР Совет Иттифоқининг энг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, шарқда Амударё, ғарбда Каспий қирғоқларига бориб тақалади. Майдонининг кенглиги бўйича мамлакатда РСФСР, Қозоғистон ва Украинадан кейин тўртинчи ўринда туради.

Унинг майдони Австрия, Португалия, Бельгия, Швейцария, Голландия ва Дания майдонларини бирга қўшганда ҳаммасига тенгдир.

Туркманистон Қорақумга эга бўлган мамлакатдаги энг катта чўл зонаси ҳисобланади. У республиканинг салкам 80 процент ерини ишғол этади.

Республика шарқида Ўрта Осиёда энг катта — Амударё оқиб ўтади. Уни туркманлар Жайҳун деб атайдилар. Жайҳун деганн — телба, қутурган маъноларнни билдиради. Амударё — қадимий тараққиёт бешиги ҳисобланади. У Ўрта Осиёдаги энг узун ва сершув дарёдир.

Туркманистон ҳаётида жаҳонда мисласиз сунъий дарё— В. И. Ленин номидаги Қорақум каналн муҳим роль ўйнайди. У 1954 йилда қурила бошлаган эди. Уни бунёд этишда туркманлар билан бир қаторда руслар, ўзбеклар, украинлар, қозоқлар, арманлар, тожиклар ва бошқа қардош халқларнинг вакиллари иштирок этишган. Унга 220 шаҳар турли хил техника воситаларн етказиб берган. Сибирь — ёғоч, Урал, Украина, Белоруссия — машина ва механизмлар, Ўзбекистон — металл, Москва ва Горький шаҳарларн — автомашиналар, Грузия — ер қазиш агрегатларн етказиб берган.

Канал кўплаб янги ерларни ўзлаштирнб, боғ-роғлар, обод жойлар барпо этиш имконини берди!

Марн ГРЭСи табиий газ билан ишловчи республикадаги йирик ГРЭС ҳисобланади. Уни бунёд этишда ҳам РСФСР, Украина, Озарбайжон, Ўзбекистон корхона ва ташкилотларининг коллективлари катта ёрдам берди.

Маданият янгиликлари

МАҲОРАТ КЎРИГИ

20 февраль куни Ўзбекистон пойтахтида Республика театрларининг фестивали бошланди. Фестивалга турли жанр ва режиссёрлик услубидаги спектакллар олиб келинган. Муқимий номли давлат музикали театри саҳнасида ана шу ижодий кўрик бошланди. Уни Самарқанд опера ва балет театри ўзининг «Қўнғироқча» спектакли билан очиш шарафига муяссар бўлди. Мазкур спектакль Г. Донизетти асари асосида саҳнага қўйилган. Шундан сўнг Тошкент, республика областлари ва Қорақалпоғистондан йиғирмата бадиий коллектив эстафетани қабул қилиб олади.

— Бугунги кунда знёлларининг маънавий мураббий сифатидаги роли ниҳоятда катта,— дейди Ўзбекистон театр арбоблари союзи правлениесининг раиси, СССР халқ артисти Б. Қориева. — Лекин улар ўз имкониятларидан тўла фойдаланишлари учун бир-бирлари билан тажриба алмашишлари, бир-бирларини ўзаро бойитишлари зарур. Бизни республика бадиий коллективлари «Ўз ёғида ўзи қовурилмоқда», деб ҳаққоний равишда танқид қилишган эди. Турли театрларда ижод қилаётган ҳамкасбларимиз бир-бирларининг ишларидан бехабар эдилар. Фестиваль улар билан танишиш имкониятини беради, театр ҳаётининг манзарасини янада тўлароқ кўрсатади.

Кўрик режиссёрларимизнинг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Республика театр арбоблари союзи уларнинг олдига ҳеч қандай шарт қўйгани йўқ: ҳар бир коллектив кўркида кўрсатадиган асарини ўзи мустақил равишда танлаб олди. Афишаларга асосан ўтган йили саҳналаштирилган асарлар киритилган. Булар ҳам замонавий мавзуларда, ҳам классик асарлар асосида яратилган постановкалардир. О. Хўжаев номли Сирдарё область музикали драма театри М. Бобоевнинг «Қайдасан, жон болам» спектаклини олиб келди. Қашқадарёликлар Ш. Пардаевнинг «Сўнгги қурбон» пьесасини томошабинларга кўрсатадилар. Сурхондарёликлар эса Б. Васильевнинг «Эртага уруш...» асари асосида тайёрланган спектакли билан қатнашадилар. М. Горький номли Фар-она область рус драма театри Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» пьесасини фестивалда кўрсатиш учун танлаб олди. Ҳамид Олимжон номли Самарқанд область ўзбек драма театри ҳам мазкур пьесани ўз талқинида намойиш этади. Фестиваль доирасида қўғирчоқ театрларида қўйилган спектакллар кўрнги ҳам бўлади. Тўртта театр-студиядан фақат Тошкентдаги иккита коллектив — «Илҳом» ва «Дард» коллективлари фестивалда қатнашади.

Фестиваль программасида саҳна безакчилари — рассомлар кўргазмаларини очиш, томошабинлар билан конференцнялар ўтказиш, танқидчилар билан учрашувлар ҳам назарда тутилган.


— Фестиваль спектакларига танқидчиларнинг эътиборини бекорга жалб этмаяпмиз, — дейди Республика театр арбоблари союзи бўлимининг мудири К. Ортиқов. — Театршуносларнинг олдида кўпгина муаммолар тўпланиб қолди. Сақёз, ўткинчи асарлар орқасидан кўр-кўрона қувиш ана шундай мушкул муаммоларнинг биридир. Турғунлик йилларида саҳнага қўйилган деярли ҳар бир спектаклнн «катта ютуқ», «театр ҳаётида воқеа» деб эълон қилардик. Агар ана шу қуруқ мақтовларга учадиган бўлсак, биз театр санъатимиз мисли кўрилмаган ютуқларга эришганлигини тан олишимиз лозим. Лекин афсуски, бундай эмас. Қувонишга вақт эрта. Шу сабабли ҳозир театр мавсуми ўрталаб қолганлигига қарамай, театр ишининг аҳволини таҳлил этиш, уни янада ривожлантириш йўлларини аниқлаб олиш мақсадида мазкур кўрикни ўтказишни лозим топдик.

Москва, Тошкент, шунингдек Ўрта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистондан келган театршунослардан иборат жюри сакккиз кундан сўнг энг яхши спектаклнн аниқлаб берди. Энг яхши спектакль, деб топилган саҳна асари шу йил Фрунзе шаҳрида бўладиган маҳаллий «Наврўз» фестивалида қатнашиш ҳуқуқини олади. Энг яхши постановлар Москвада, Давлат халқлар дўстлиги театри саҳнасида кўрсатиш учун тавсия этнлади. Энг яхши режиссура, ижрочилик маҳорати, саҳна безаги учун мукофотлар берилади. Томошабинлар ва танқидчиларнинг совринлари ҳам топширилади, деб хабар беради ЎзТАГ мухбири.

Қадимий маскан

а шаҳри ҳақида кўпшитган, баъзилар эса боришган бўлишлари Ўмий. Мен бундан тўрт рун ана шу қадимий а бўлганман. Шу бокс кина, ажиб шаҳарчаровати ҳақида сўзлашм қилдим.

умкин, Кушка мамлакаган. Шу бокс унинг яқинидаги қишлоқлар ҳам рус мужикларининг исмлари шарафига Петровка, Борисовка деб номланган. Сургун қилинган кишиларнинг нақадар меҳнаткаш эканлигини бир неча асрларга тенг ҳашаматли бинолардан билиш мумкин. Гарчанд уларнинг аввалги мустаҳкамлиги



анубидаги чекка, Туркн ССР Марн областшаҳар. Унинг аҳолиси арли кўп эмас — бор- мнг кишинн ташкил Шаҳар яқинида писта хўжалиги ва Бодхиз насининг марказн жойКушка теварагидан эса дарёсининг энг йирик оғи бўлган — Кушка оқиб ўтади. У Паропатизмасининг шимолий ардан бошланади. н 277 километр бўлган ёнинг ҳавза майдони мнг квадрат километашкил этади.

шаҳрн бундан бир оз йиллар муқаддам тилган. У ерга асосан ссиясида ҳукмронлик Екатерина II ғазабига Бўлган аҳолн юборилкўчаларнн ечдирнб, уларнн ўзн билан чор Россиясига, у ердан эса чет элга олиб кочган. Эндиликда ҳоч олдига замонавий услубда қурилган зинапоялар орқали чиқиш мумкин.

Кушка — мамлакатимиз жанубидаги қалқон ҳисобланади. Бунинг боиси бор, албатта. Неча асрлар мобайнида бу қўҳна шаҳар мамлакатимизга ҳужум қилаётган ёвларни қайтариб турувчи истеҳком бўлиб хизмат қилган. Шаҳардаги кўпгина ёдгорликлар ҳам ана шулардан далолат беради. Жангчи ҳайкали, 1941—1945 йилги Улуғ Ватан урушн йилларида ҳалок бўлган қушкаликларнинг номлари ёзилган «Қаҳрамонлар хнёбони» каби архитектура ансамбллари шулар жумласига кнрадн. Шу билан бирга баланд қирларга чиқиб, майнн сабонинг эсишига сармаст бўлиб, «Нилуфар» кафесида бемалол ўтирнб, шаҳар жамолнни кўрнш мумкин...

Кушка шаҳрида об-ҳаво ҳам ўзгача бўлади. У ерда бир ой қиш аёзли бўлса, кейинги ойларда чароғон қуёш нур таратиб туради. Ёзда эса симоб устуни деярли 50—55 даража иссиқни кўрсатади. Шаҳарда ёз апрель ойнинг биринчи кунларидан бошланади. Эндигина кўкариб, қирларга тароват, гўзаллик бахшида этиб турган табиат инъомларн қуёшнинг иссиғига дош беролмай сарғаяди. Лекин шаҳарга келган меҳмонлар доимий музликлардан иборат ўлка — Арктиканн эслашларн мумкин. Бунинг учун улар «Арктика» кафесига кирнб музқаймоқлардан татиб кўришларн кифоя.

Майнн сабо таратиб, Кушка дарёсининг жилдираб оқаётган эзилол сувини, унинг яқинидаги дарахтзорлару, гулларга бурканган қирлар ҳақида яна кўп сўзлаш мумкин.





Зотан, унинг табиатини оддий сўзлар билан ифодалаш мушкул. Шаҳарнинг ўзига хослиги ва ундаги тарихий обидалар ҳамда архитектура ансамбларини юқоридаги суратларда кўришингиз мумкин.

Д. ЖАЛОЛОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: тарихий хочга олиб чиқувчи зинапоялар; шаҳарда М. В. Фрунзега ўрнатилган ёдгорлик; сўнгги суратда эса Улуғ Ватан урушн даврида ҳалок бўлган жангчиларга ўрнатилган ҳайкал.

Автор фотолари.

⊙ Қишлоқ хўжалигини, шу жумладан пахтачиликни ривожлантиришда қардош республика — Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа муҳим роль ўйнаяпти. Бу ҳамкорлик пахтачилик соҳасида бошланиб, эндиликда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ва қишлоқдаги маданий қурилиш ҳам ёйилди. Бу мусобақа СССР халқлари дўстлигининг янада ривожланаётганига яққол мисолдир!

Республикада, ҳозир Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. Горький номидаги туркман Давлат университети, М. Калинин номидаги «Ҳурмат белгиси» орденли қишлоқ хўжалиги институти, Халқлар дўстлиги орденли медицина институти, халқ хўжалиги институти, политехника, физкультура, санъат, педагогика институтлари, рус тили педагогика институти, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти филиали ва бошқа кўпгина олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалигига минглаб малакали кадрлар тайёрлаб берди. Шунингдек, Туркманистонга бошқа қардош республикаларнинг олий ўқув юртлари ҳам малакали кадрлар тайёрлашда ёрдам бермоқдалар.

Туркман адабиёти мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. У ўзида халқ поэзиясининг бой меросини, рус ва бошқа қардош адабиётларнинг энг яхши анъаналарини мужассамлаштирди.

Б. Кербобоев, Б. Сейтиков, Х. Деряев ва бошқа туркман ёзувчиларининг асарлари совет ва чет эл китобхонларига кенг маълум ва машҳурдир.

Туркман театрларида кекса авлод саҳна усталари билан бир қаторда Москва, Ленинград, Боку, Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва театр билим юртларида таълим олган қобилиятли ёшлар иш олиб бормоқдалар. Булар ҳаммаси миллий санъатни бойитди, республика ижодий коллективларининг имкониятларини кенгайтирди.

Қобилиятли композиторларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Уларнинг асарларини мамлакат музика коллективлари тез-тез ижро этиб турадилар.

Туркманистондаги дастлабки кинофильмларни яратишда рус ва украин қардошлари катта ёрдам беришган эди. Ҳозир туркман кинематографчиларининг кўпгина фильмлари иттифоқ экранига чиқкан, чет элларда ҳам намойиш этилмоқда. Кўпгина фильмларнинг муаллифлари СССР ва Туркманистон ССР Давлат мукофотларига сазовор бўлишган, иттифоқ ва чет эл фестивалларида совринлар билан тақдирланишган. Бу Совет Туркманистони кинематографчиларининг етуклиги тан олингани, халқлар ижодий ҳамкорлигининг самарасидир.

Қардош халқлар ҳамкорлиги

Совет халқлари, шу жумладан, туркман халқи маданиятини ривожлантиришда рус тили, улуғ Ленин тили катта роль ўйнамоқда. Уни ССР Иттифоқининг барча халқлари ва элатлари миллатлараро мулоқот ва ҳамкорлик, она-Ватан ва жаҳон адабиётининг энг яхши бойлигини ўрганиш воситаси сифатида умумий тил тарзида ихтиёрий танлаб олганлар.

Ҳозир ҳар бир оила газета ва журналга обуна бўлган, ўз она тилида фақат ўз ёзувчи ва шоирларининггина эмас, қардош халқлар ёзувчи-шоирларининг ҳам асарларини ўқимоқдалар. Ўнлаб газета ва журналлар нашр этилмоқда. Туркманистон ва бошқа қардош республикаларнинг китоблари оммавий нусхаларда чоп этилмоқда.

Е. ВАЙНРУБ.

Бугунги Ашхобод

⊙ Шаҳар партия ташкилоти ўз сафларига 18 мингдан зиёд коммунистни бирлаштирган.

⊙ Ийл бошигача 120 дан зиёд ашхободлик коммунистнинг партия стажи 50 йилдан ортиқни ташкил этди.

⊙ Бугунги кунда Ашхобод шаҳар партия ташкилотларида 57 миллат ва элат вакиллари иш олиб бормоқдалар.

⊙ Республика пойтахтида демократиялаш жараёни қизғин бормоқда. Масалан, ҳисобот-сайловлар даврида 508 та бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари икки ва ундан зиёд номзод ичидан танлаб, сайланди.

⊙ Снёсий ва иқтисодий ўқув системаси ўзгарди, унинг ташкилий структураси, таълимнинг форма ва методлари такомиллашиб боряпти.


⊙ Шаҳарда 62 мингдан зиёд комсомол аъзоси бор.

⊙ Ашхобод саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари пасайишига чек қўйилди. Беш йиллик топшириғи — 10,7 процент ўрнига маҳсулот ишлаб чиқариш 13 процент ўсди. Бу эса 1981—1985 йилларга нисбатан ўртача йиллик ўсиш суръати бир ярим баравар юқори, демакдир.

«Ҳадя» сервис-фирмаси— хизматингизга мунтазир!

Тошкент шаҳрида шаҳар Совети ижроия комитетининг умумий овқатланиш Бош бошқармаси ҳузурида кооператив асосда «Ҳадя» сервис-фирмаси ташкил этилди. Ва бу фирма шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонларига кўрсатиладиган қатор хизматларни ўз зиммасига олди.

Сизнинг истагингизга биноан,



«ҲАДЯ» сервис-фирмаси яқинларингиз, таниш-билиш ва туғишганларингизни юбилей саналари ва бошқа байрамлар билан муборакбод этади.

Ватанимизнинг исталган бир бурчагида яшовчи аҳоли хоҳ у Украинада бўлсин, хоҳ Болтиқбўйи, Сибирь ёки Закавказье ўлкасида бўлсин, Ўзбекистон пойтахтида истиқомат қилувчи қондош-жондошларини ва таниш-билиш, ёр-биродарларини «ҲАДЯ» сервис-фирмаси ёрдамидан фойдаланиб, табриклашлари мумкин. Бунинг учун фирма адресига телеграф ёки почта жўнатмаси юборилади, бунда кимни ва нима билан қутлаш лозимлиги, табрикнома жўнатилиши керак бўлган почта индекси ва адрес кўрсатилади.

«ҲАДЯ» СЕРВИС-ФИРМАСИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:

Терманинг баҳоси торт, гулдастанинг қиймати билан боғлиқ ҳолда 25-35 сўмни ташкил қилади. Совға термасини уйга элтиб бериш ҳақи ҳам шунинг ичида.

«ҲАДЯ» СЕРВИС-ФИРМАСИНИНГ АДРЕСИ: 700100, Тошкент шаҳри, 1040-почта қутиси.

«ҲАДЯ» сервис-фирмаси 20 сўмлик ва 50 сўмлик совғаларни ташкил қилади. Бунда буюртмани адресатга элтиб бериш ҳақи совғанинг қиймати қанчалигидан қатъий назар 4-5 сўмдан иборат бўлади.

25 сўмлик совға таркибига чиройли гуллардан тузилган ажойиб гулдаста, байрам торти ва бир шиша «Советское шампанское» ичимлиги киради, 50 сўмлик совға эса бир сават чиройли гул, байрам торти ва бир шиша коньякдан иборат.

Совға ассортиментида Сизнинг дид ва истакларингиз эътиборга олинади.

Ёзма хабарингизда совға қилиш билан боғлиқ хоҳиш-истакларингизни, яъни: севимли гулларингизни, уларнинг миқдори ва рангини, совғанинг қиймати ва ҳоказоларни кўрсатиб ўтишингиз керак. Бу эса ўз навбатида «Ҳадя» сервис-фирмасининг буюртмангизни кўнгилдагидек қилиб адо этилишини таъминлайди.

Шунингдек, совға элтиб берилиши керак бўлган шахснинг почта адресини ва мабодо у кўрсатилган адресда яшамаётган бўлса, совғанинг қайтариб юборилиши учун ўзингизнинг адресингизни ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Мабодо, табриклаш соатини кўрсатиш ёдингиздан чиққан бўлса, «Ҳадя» сервис-фирмаси бу хизматни иш кунларида соат 18.00 дан 20.00 гача ва дам олиш ёки байрам кунларида эса соат 16.00 дан 19.00 гача бўлган вақт орасида (фирманинг имкониятига қараб), ёки бошқа қулайроқ пайтда бажаради.



«ҲАДЯ» СЕРВИС-ФИРМАСИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:



Терманинг баҳоси торт ва ҳақиқий гулларнинг қиймати билан боғлиқ ҳолда адресатга элтиб бериш ҳақи билан бирга 45-50 сўмдан иборат.

* * *

Бирон-бир тантанали санага тайёрланар экансиз, «ҲАДЯ» сервис-фирмасининг хизматларидан фойдаланиш туфайли қимматли вақтингизни тежай оласиз.

Сизнинг буюртмангизга биноан «Киевча котлет», қовурма-жўжа каби фирма таомлари, буюртма тортлар, тайёр кулинария ва қандолатчилик маҳсулотлари уйингизга элтиб берилади.


Буюртма уйингизга элтиб берилиши учун уй адреси, элтиб бериш числоси ва вақтини кўрсатган ҳолда 10 сўм пул фирма адресига жўнатилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 53-77-51 (соат 18 дан 20.00 гача).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ (Телефон: 33-11-22).

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ



Дуторчи қизлар. С. Михайлов фотоси.


Жамият ва қонун

ЗИЙРАК БЎЛИНГ.

Қишда иссиқ кийиниб юрганга нима етсин. Усти-бошинг иссиқ бўлса, унча-мунча совуқ ҳам писанд эмас. Айниқса, кейинги вақтда ҳурматли аёлларимиз қимматбаҳо мўйнали телпакларни кийиб юришга ўрганишган. Уларга кўз тиккан одамлар орасида соф ниятлилари ҳам, ҳасад билан тикилувчилар ҳам бор. Граждан аёл Глебова «Старт» стадиони олдида кундуз мўйнали телпак кийган ҳолда турарди. Кимдир бошидан телпакни юлиб қочди. Аёл эса ҳушини йиғиб улгурмай, ўғри кўздан ғойиб бўлди. Эрталаб соат 9 да Сандов кўчасида жойлашган ётоқхона ёнида турган аёл Труновнинг ҳам кундуз мўйнали қалпоғини бошидан юлиб қочишди. Кечки соат 18 да Энгельс кўчасининг «Геологоразведка» бекатида турган граждан М. ҳам шундай телпагидан ажралди...

ЖИНОЯТЧИ ҚИДИРИЛМОҚДА

1954 йилда Тошкент шаҳрида туғилган ва шу ерда яшовчи Фарид Абдулҳанович Манеев қидирилмоқда. У оғир жиноят содир этган ҳолда суд



ва тергов ишларидан қочиб юрибди.

Белгилари: ўрта бўй, у мўйлов ва соқол қўйиб олган бўлиши мумкин. Қалбаки ҳужжатга эга.

ШАХСИЙ БУЮМ ЎҒРИЛАРИ

Тушки овқат пайтида номаълум шахс Тошкент Давлат медицина институти хизматчиси Хўжаевнинг бўш кабинетига кириб, у ерда турган сумка ичидаги ҳамённи олиб, ундаги 13 сўм пулни ўғирлаб кетган. Тезкорлик билан олиб борилган операция туфайли гражданка Т. Устинова ушланди. Новгород шаҳрида яшовчи бу шахс клиникага даволаниш учун келган эди.

РЕЦИДИВИСТ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Милиция хизматчилари Қурбонов ва Давлетовлар воқеа содир бўлган жойда хавфли жиноятчи, тўрт марта судланган рецидивист А. Е. Ушаковни қўлга олишди. 1941 йилда туғилган бу шахс Юнусобод массивида истиқомат қилувчи граждан аёл Арматованнинг квартирасига ўғирликка тушганди.

ЎҒИРЛИК

1969 йилда туғилган, илгари судланган Ю. Г. Кочетов қўлга олинди. У «Строитель» кооперативида ишчи бўлиб ишлайди. Тергов давомида бу «беозор» йигит ўтган йилнинг 24 ноябрида кечаси соат 3 дан 37 минут ўтганда Чилонзор массивининг 19-кварталида жойлашган 523-болалар боғчасининг ошхона ойнасини синдириб хона ичига кирганлиги маълум бўлди. У ерда қоровулни қўрқитиб, 22 килограмм гўштни олиб чиқиб кетган. Шу куни у соат бешда массивнинг 20-кварталидаги 148-сартарошхона эшигини синдириб, унинг ичига кирган ва бу ердан 3 та «Фена» совунини олиб чиқиб кетган. Босқинчи энди қилмишига яраша жазо олади.

ЧАҚИРИЛМАГАН «МЕҲМОН»

Кундуз куни шахси номаълум киши пенсионер Х. Штиконинг квартирасига кирмоқчи бўлди. Бундай «меҳмон»ни кутмаган уй эгаси қўрққанидан бақириб юборди. Хонадон эгасининг «одамшинаванда»лигини кўриб «меҳмон» зумда кўздан ғойиб бўлди.


ЧАЙҚОВЧИЛИК

Олой бозорининг навбатчи милиция бўлимига 3-курс студенти Лисовнинг чайқовчилик қилаётганлиги ҳақида хабар тушди. Участка инспекторлари томонидан чайқовчи ушланди. 1967 йилда туғилган бу шахс соч бўяш учун ишлатиладиган моддани ортиқча нархда сотаётган экан. Текширув вақтида ундан 30 дона лак топилди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ҚИДИРИЛМОҚДА

Юрий Васильевич Батанов 1959 йилда туғилган. Чилонзор массивининг 5-кварталидаги 40-уйининг 8-квартирасида яшаган. У ўтган йилнинг 5 декабрида к 99—10 ТН номерли «ВАЗ—2106» маркали шахсий автомашинасида чиқиб кетганича қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170 сантиметр, озғин, чўзиқ юзли, сочлари қора, кўк кўз, мўйлаби бор.



Узингиз гувоҳ бўлган жиноятлар, уларни содир этган шахслар, шунингдек, ўғирланган буюмларни сотаётган ёки сотиб олаётган кишилар, домдараксиз йўқолганлар ҳақидаги маълумотларни 02, 33-71-47, 56-99-10 номерли телефонлар орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

П. ГАЛГАЙ.

Хандалар

УДДАБУРОН МАШИНИСТ

Проводник деразадан бошини чиқариб, машинистга қичқирди:

— Бу нима деган гап? Нега станцияларда ҳеч тўхтамай ўтиб кетяпмиз?

— Тормоз ишламаяпти! — деб бақирди машинист.

— Бирор иложи борми?

— Тезлик учун йўловчилардан қўшимча ҳақ йиғиш керак!

ПОЕЗДДА

Уйқудан уйғонган киши ҳамроҳидан сўради:

— Тошкентга ҳали узоқми?

— Икки соатли йўл бор.

— Унда, тағин озгина мизғиб олсам бўларкан.

...У кўзларини ишқалаб, яна ўша ҳамкупесига деди:

— Тошкентга етиб келдикми?

— Икки соатли йўл...

— Ие? Қанақа одамсиз ўзи? Ҳали ҳам шунақа девдингиз-ку? Ахир орадан анча вақт ўтди-ёв!

— Тўғри. Ўшанда Тошкентга кириб бораётгандик. Энди эса ундан узоқлашиб кетяпмиз-да...

МАГАЗИНДА

— Менга бир банка сардина берсангиз.

— Қаерникини ёқтирасиз? Португалияда тайёрланган яхшими, ёки Испаниянники ҳам бўлаверадими?

— Менга барибир. Қорин очганида ҳеч қайсиси билан гаплашиб ўтирмайман.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи — Л. ТРЕЕР.

Режиссёр — С. МОРОЗОВ.

Ролларда: А. ПАНКРАТОВ-ЧЕРНИЙ, В. СТЕКЛОВ, В. ИЛЬИЧЕВ ва бошқалар.

Бу сатирик комедияда табиий муҳитни ифлослантиришга қарши, дарё ва кўлларнинг тозалиги учун курашаётган одамларнинг қандай қилиб энг сўнгги чоратадбирларни кўришга мажбур бўлаётганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТУРИСТ

ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ

ТУРИСТИК ПОЕЗДЛАРДА МАРОҚЛИ САЁҲАТЛАРГА ЧИҚИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Туристик поездларда дам олишни «ГИЛДИРАКЛАРДАГИ ТУРИСТИК БАЗА» деб аташ ўринли бўлади. Бу ерда ҳамма нарса худди туристик базадагидек: овқатланиш, экскурсия, маданий программа. Фарқ фақат шундаки, бу туристик база ҳар куни ўз адресини ўзгартириб туради — мамлакатимиз, республикаларнинг турли шаҳарларида тўхтаб ўтади, олис манзилларни босиб ўтади. Бундай туристик поездлардаги саёҳатлар Тошкент шаҳридан бошланиб ва яна шу ерда якунланади.

— «ДИЛОРОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИ, 3 мартдан 6 мартгача (Бухоро-Самарқанд), **8 мартдан 11 мартгача, 17 мартдан 20 мартгача, 31 мартдан 1 апрелгача. Баҳоси — 46 сўм.**

— ОЛМАОТА-ФРУНЗЕ, 10 мартдан 13 мартгача. Баҳоси 72 сўм.

«РОҲАТ» 23 мартдан 28 мартгача (Урганч, Бухоро, — Самарқанд), **3 мартдан 8мартгача, 9 мартдан 14 мартгача, 15 мартдан 20 маратгача. Баҳоси 73 сўм.**

— «ЗАКАРПАТЬЕ» бўйлаб туристик поездда (Тошкент-Харьков — Киев-Львов — Ужгород — Мукачево — Рахов — Черновци — Кишинёв — Одесса — Волгоград — Тошкент), **30- мартдан 18 апрелгача. Баҳоси — 272 сўм.**

Бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри 11-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69 «а» уй, (метронинг «Пахтакор» станцияси). Телефон: 44-11-97.

ФАҚАТ БИР КУН

Тошкент давлат циркида

27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17 ВА 20.00 ДА

Рига шоу-программаси томошалари

(Кулги кечаси — модалар кечаси)

ҚАТНАШАДИЛАР:

— «РИГАС МОДЕС» ёшлар модалари театри;

— эстрада-рақс коллективи, оригинал жанр артистлари, музикали пародия группаси ва эстрада миниатюралари.

МОДЕЛЛАР ҚИМОШДИ САВДОСИ УТКАЗИЛАДИ

Постановкачи-режиссёр — Тая КОРНИЛОВА.

Бошқарувчи — Латвия комсомоли мукофотининг лауреати Стас ФЛОРЕНЦЕВ.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг буюртмаларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Касса дам олиш кунисиз, соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

ўрта маълумотли хотин-қизларни

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ

3 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишлар ҳафтада икки марта соат 19.00 дан бошланади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 15.00 ДАН 20.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 105-уй (28, 24, 7-трамвайлар; 2-троллейбус; 98, 172, 181-автобусларнинг «Западная» кўчаси бекати).

Телефонлар: 53-61-31-, 53-13-48, 53-72-55.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ЎҚУВ КОМБИНАТИ

трамвай ва троллейбус хайдовчилари курсига

қабул эълон қилади

Трамвай ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 5 ой, ўқишга кирувчиларнинг ёши 20 дан кам бўлмаслиги шарт, троллейбус ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 6 ой, ўқишга кирувчиларнинг ёши 21 дан кам бўлмаслиги шарт.

Ойига 70 сўм стипендия тўланади.

Курсларга қабул қилинганлар трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

— 1-трамвай депоси — Гайдар кўчаси, 50 уй.

— 2-трамвай депоси — Ғ. Ғулом кўчаси, 57-уй.

— «Красновосточное» депоси — Красновосточная кўчаси, 3 «а» уй.

— 1-троллейбус депоси, — Гайдар кўчаси, 50-уй.

— 2-троллейбус депоси — Пионер кўчаси, 4-уй.

— Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ўқув комбинати — Новий путь кўчаси, 180 «а» уй.

Машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 09591.

Ички саҳифаларга 19.10 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. — 2017. Индекс 64690.